

ТАСНИФ БИЛИШНИНГ БИР УСУЛИ СИФАТИДА

Мадраҳимов Илҳомжон Собирович

Қўқон ДПИ доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада таснифлашга тадқиқ этиладиган объектларнинг йифиндисига қаратилган билимларни тизимлаштиришнинг умумиллий усули сифатида қаралган ва таснифни билишнинг усулларидан бири эканлиги эътироф этилган.

Калит сўзлар: таснифлаш, формал тасниф, сунъий тасниф, умумийлик, фарқлаш, иерархик муносабатлар, мумтоз мантиқ, мантикий категория.

Ҳар бир фанда таснифнинг алоҳида ўрни бор. Объектни таснифлаш усули билан ўрганиш бу билим олишнинг анъанавий усулидир. Тасниф фанда ривожланишнинг маълум босқичида – тадқиқ предметини баҳолаш ёки қайта баҳолашга, илмий терминнинг поғонали муносабатини аниқлаш ва тадқиқ объекти орасидаги муносабатларни юзага чиқаришга эҳтиёж туғилганда юзага келади¹. Бу фикрни тилшуносликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Таснифлаш – тадқиқ этиладиган объектларнинг йифиндисига қаратилган билимларни тизимлаштиришнинг умумиллий усули, бу маълум бир асосда ўхшашлик ва фарққа эга объектлар инсон фаолияти, билим(илм)нинг турли синфлари сифатида шоҳаланган/синфланган турли соҳаларига тегишли. Таснифнинг асосий мақсади исталган объектнинг тизимдаги ўрнини аниқлаш ва улар орасида мавжуд муносабатларни аниқлашдан иборат. Бу кейинчалик ўхшаҳ ҳодисаларни гетероном белгилар билан фарқлаш, шу асосда гемоген белгилар асосида бирлаштириш – тизимлаштиришга асос бўлади².

Тасниф анализнинг бир шакли бўлиб, кўп объектларнинг гурух, тўда ва типларга бўлиниши ва тўпланишидан иборат бўлади. Объектлар орасидаги табиий муносабат ва алоқаларни ташкил этувчи табиий, шаклий белгилар қисмлари орасидаги таснифни кўрсатувчи формал тасниф фарқланади. Таснифнинг биринчى қўринишини тавсифий ва табиий тасниф, иккинчи турини формат ва сунъий деб аташади³.

Формал тасниф тобе муносабатдаги тушунчалар тизими. Унда тушунчалар табиий ва табиий бўлмаган ўхшаҳ ва фарқли белгилари асосида амал қиласди. Бу асосан ўрганилаётган обьект ҳакида маълумотнинг камлиги билан изоҳланади. Таснифнинг бу турида тартиб ташки ёки сунъий характер касб этади. Сунъий таснифнинг асосий вазифаси тадқиқ этилаётган билим ёки воқеликнинг тизимлаштиришдир. тадқиқотнинг дастлабки босқичларида сунъий тасниф

¹ Литовченко В.И. Классификация и систематизация терминов // Вестник Сибирского государственного аэрокосмического университета им. Академика М.Ф.Решетнева. С. 156-159. <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-i-sistematisatsiya-terminov>

² Субботин А.Л., Абушенко В.Л., Бочаров. В.А. Классификация как метод познания // <https://prepod.nspu.ru/mod/page/view.php?id=129471&forceview=1>

³ Цветков В.Я. Формальная и содержательная классификация // Современные научные технологии. № 6, 2008. Материалы конференции. – С. 85-86.

2023: International Conference on Research Identity,
Value and Ethics (USA)
<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

табиий таснифнинг ўрнини эгаллайди, чунки ҳали объектнинг ҳақиқий характери очилмаган, бирламчи ва иккиласмачи белгилари кўрсатилмаган бўлади⁴.

Умумийлик тадқиқ обьекти элементларини ўхшашлик белгилари асосида гурухлаш демакдир.

Фарқлаш принципи “ноўхашлик” белгилари асосида бошқа гурухга киритишdir. Формал мантиқда бўлиш қоидалари шунга асосланади. Ўхшашлик ва ноўхашлик тамойиллари альтернатив ёки оппозицион ўзгарувчиларни аниқлаб беради.

Тавсифий тасниф обьектлар орасида турли гурухларни ташкил этувчи нафакат альтернатив белгилар, балки турли гурухга мансуб обьектлар орасидаги исталган муносабатларни ҳам хисобга олади. Шундай қилиб формал тасниф асосида ўхшашликнинг бир томонлами муносабати ётади. Бу ноўхашликка қарама-каршидир. Тавсифий таснифда ўхшашлик ва ноўхашлик – икки омил ҳам хисобга олинади. Бу бизга табиий таснифни сунъий таснифдан фарқлаш имконини беради. Табиий таснифда гурухлар орасидаги чегарани аниқлаш эмас, балки улар орасидаги муносабатларни аниқлаш муҳим. Шундай қилиб, тавсифий (табиий) таснифнинг мажбурий (доимий) белгиси сифатида З нарса юзага чиқади: обьектлар орасидаги муносабатлар тизими (1), тасниф обьекти орасидаги умумлаштирувчи) белгилар тизими (2), фарқловчи белгилар тизими (3). Мазкур белгилардан бирининг мавжуд бўлмаслиги бу таснифни табиий тасниф деб баҳоламасликка асос бўлади⁵.

Одатда, таснифлашдан мақсад мавжуд хаос, яъни тартибсизликни тартиблаш деб тушунилади. Аммо тизимлилик нуқтаи назардан қараганда “Энг табиий обьектларда тизимлиликнинг акс этиши”дир⁶. Система мавжуд бўлса, демак, уни ташкил этувларини турли белгилар асосида таснифлашга имкон бўлади. К.Я.Авербух таснифни шундай таърифлайди: “классификация – у ёки бу турдаги предметларни ўзаро муносабатидан пайдо бўлган, ўзига тегишли бўлиб, бошқаларидан фарқ қилувчи табиий белгилар асосида гурухлашdir. Бунда ҳар бир гурух/синф ўзининг доимий ўрнига эга ва ўз ичида яна турли гурухларга бўлинади”⁷.

Яна бир нарсани таъкидлаш муҳим. Тасниф асосида гурухлар ва тўдаларнинг иерархик муносабатлари ётади.

Илмий таснифлашга А.В.Суперанская қўйидагича изоҳ беради: “Илмий классификация – бу ассоциация ва диссоциацияни тартиблаш усули; инсон онгига тушунча сифатида мавжуд бўлган ғояларнинг тафаккурда шакллантириш йўлидир. Маълум хусусиятга эга гурухларга бирлашувчи барча индивидуал обьектларнинг йиғиндиси синф дейилади. Алоҳида типик обьектлар харктеристикаси синфнинг умумий моҳиятини англашга, тушунчаларни таснифлашга, уларни бир тизимга тўплашга ёрдам беради⁸.

Мумтоз мантиқ нуқтаи назаридан қараганда, тасниф ички синфларга бўлинувчи, предметнинг турири ифодаловчи тушунчаларни фарқловчи/ажратувчи амаллардан бири саналади. Гурухларга ажратишга асос бўлувчи белги фарқлаш белгиси дейилади. Тасниф

⁴ Цветков В.Я. Формальная и содержательная классификация. // Современные научноемкие технологии. № 6, 2008. Материалы конференции. – С. 85-86.

⁵ Цветков В.Я. Формальная и содержательная классификация. // Современные научноемкие технологии. № 6, 2008. Материалы конференции. – С. 85-86.

⁶ Авербух К.Я. Общая теория термина / К.Я.Авербух. Иваново, 2004. – С. 168.

⁷ Авербух К.Я. Общая теория термина / К.Я.Авербух. Иваново, 2004. – С. 167.

⁸ Суперанская А.В. Общая терминология: Вопросы теории / А.В. Суперанская, Н.В.Подольская, Н.В.Васильева. – М.: Наука, 1989. – С. 138.

2023: International Conference on Research Identity,
Value and Ethics (USA)

<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

тушунчани гурухларга ажратишининг турларини ифодалагани сабабли уни амалга ошириш фарқлаш ва бўлишнинг қуидаги умумий қоидаларига бўйсунади:

Ажратиш маълум бир белгига асосланиши;

ажратилувчи тушунча ҳажми ажралувчи аъзолари бўлинишига тенг бўлиши;

гурухларга ажратилган элементлар бир-бирдан маълум белги билан фарқланиши, ушнингдек, умумий хусусиятга эга бўлиши;

ажратиш узлуксиз амалга ошиши, яқин синф танланиши ва узок бўлмаган гурух танланиши⁹.

Масалан, терминларни таснифлашда уларнинг турли белгилари: формал, функционал, ички лисоний ва ташқи лисоний белгиларига асосланилади. Бу таснифларнинг барчаси фан ёки билимнинг тегишли соҳасига қараб ўзгариши табиий ҳол. Фалсафий нуқтаи назардан атамаларнинг илк таснифи кузатишлар асосида терминлар ва назарий терминлар сифатида талқин килинади. Эмперик терминларга реал обьектлар гурухи турса, назарий терминларга мавхум тушунчалар, бирор бир концепцияга оид билимлар туради. Фалсафадаги атамаларни таснифлашда шу ёндашув етарли. Аммо фалсафага оид атамашунослик муаммоларини ечишда янада чукурроқ таснифга эҳтиёж туғилади.

Атамаларнинг иккинчи хил таснифи мазмунига асосланади: обьект номига қараб таснифланади, бу фан ёки соҳанинг турли тармоқларига тегишли. Бундай тасниф, одатда, фан, техника, ишлаб чиқариш, иқтисодий базисга оид бўлади. Мазкур ижтимоий схемага асосланаб, фанга оид терминларни таснифлаш учун рубрикалар рўйхатини шакллантириш мумкин.

Атамаларни таснифлашнинг учинчи тури атама ифодалаган тушунчанинг мантикий категорияси (предмет, жараён, белги, хусусият, ҳажм-ўлчов каби)га таянади¹⁰.

Мантикий операторлар

1. Таъриф – бу тушунча мазмунини очиш, изоҳлаш, таърифлаш ёки аниқлаштиришга қаратилган усул. Таърифнинг асосий вазифаси маълум обьектни ёндош обьектлардан фарқлаш ва чегаралашдир. Таърифнинг турли кўринишлари мавжуд. Таснифлаш учун турга кўра таърифлаш мос келади. Буни шартли равишда $A = B + C$ формуласи билан белгилаш мумкин. Бунда: “A” – таърифланаётган тушунча;

“B” – “A”га нисбатан умумий тушунча;

“C” – “B”ни бошқаларидан ажратиб турувчи белги, фарқ.

Таърифга типик мисол сифатида лугатларда берилган таърифларни келтириш мумкин.

2. Вариант(шакл)ларни шакллантирувчи оператор мантикий операторнинг бир тури бўлиб, уларнинг вазифаси бирор бир обьект (харакат, белги ва х.)нинг мавжуд варианtlарни аниқлаш ва кўрсатишдан иборат. Операторнинг бу гурухига мантикий бўлиниш, умумлаштириш ва таснифлаш киради.

⁹ Литовченко В.И. Классификация и систематизация терминов // Вестник Сибирского государственного аэрокосмического университета им. Академика М.Ф.Решетнева. С. 156-159. <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-i-sistematisatsiya-terminov>

¹⁰ Литовченко В.И. Классификация и систематизация терминов // Вестник Сибирского государственного аэрокосмического университета им. Академика М.Ф.Решетнева. С. 156-159. <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-i-sistematisatsiya-terminov>

2023: International Conference on Research Identity,
Value and Ethics (USA)

<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

2.1.Бўлиниш – бу асосий ва бўлинувчи тушунчага мансуб бўлган барча обьектларни гурухларга ажратиш. Бу гурухлар *бўлиниши аъзолари* деб юритилади. Демак, ҳар бир бўлинишда *бўлинувчи тушунча, бўлиниши асоси* ва *бўлиниши аъзолари* мавжуд бўлади. *Бўлинувчи тушунча тур* саналса, *бўлиниши аъзолари* эса унинг кўринишлари бўлади. *Бўлиниши аъзолари* сони чегараланганд. Мантикий бўлинишни унга ўхшаш бир тушунча – обьектни аъзоларга бўлишдан фарқлаш лозим. Бу икки тушунчани фарқлаш учун қуидаги саволларни берамиз. Солиштириинг:

1. Бу обьектларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Бу обьект қандай қисмлардан иборат?

Буларни фарқлаш учун уларнинг натижаларига назар солиш ҳам етарли. Мантикий бўлинишнинг асосий қоидалари қуидагicha:

- 1) бўлиниш факат битта асосда амалга оширилиши;
- 2) бўлиниш миқдорнинг умумлашмасига тенг келиши;
- 3) бўлиниш аъзолари альтернатив бўлиши ёки бир-биридан фарқ қилиши;
- 4) бўлиниш аъзолари узлуксиз ва тартибли бўлиши.

1.2.Тасниф (классификация) мантикий оператори кўп босқичли мантикий бўлиниш бўлиб, бўлиниш аъзоларидан ҳар бири яна бўлинишга асос бўлган тушунчага айланади. Таснифнинг чуқурлашиши, яъни иерархия зиначаларига чегара кўйилмаган. Шундай бўлсада, ҳар бир классификацияда реал чегара бўлади. Одатда, тасниф шажара ёки иерархия кўринишида бўлади. Бундай ҳолат бўлиниши аъзоларининг факат бир асосда бўлиниши амал қилгандан содир бўлади. Бу пирамида ёки дараҳтнинг бошида шу таснифни атаб келувчи асосий тушунча туради, бу тушунча барча обьектларни умулаштира олиши билан фарқланади. Иккинчи қатлам бирор бир белги асосида мантикий бўлиниш натижасида ҳосил бўлади, ундан кейин бошқа қатлам келаверади. Агар обьект бирдан ортиқ белги асосида таснифланса, у ҳолда фасет ёки комбинатив структурага айланади: чизиқли тасниф матрициали таснифга алмашади. Матрица бирдан ортиқ қатламгача таснифлаш имконини беради.

Умумлашма. Таснифни шакллантиришда баъзан факат пастга эмас, юқорига қараб ҳам ҳаракат қилинади. Умумлашма оператори бўлиниш ва ажратиш операторисиз амал қилмайди. Улардан бири барча умумийликларни юзага чиқарса, иккинчиси обьектлар таққосланаётган ягона атрибут ёки принципни аниқлайди. Шундай қилиб қиёслаш оператори умумлашма обьектни шакллантиришга хизмат қилса, фарқлаш оператори эса умумлашма асосини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, таснифлаш тизимида умумлашма асосий роль ўйнайди.

1.3. Тизимлаштирувчи оператор.

Тизим – бу тартибланган, ўзаро боғланган ва яхлит бирликни ташкил этувчи элементлар тўплами. Тизим элементларнинг таркиби, тузилиши билан тавсифланади ва муайян функцияни бажаради.

Унсур (элемент) – тизимнинг маълум сифатини сақлаб қолиш доирасида бўлинмас бирлик. Масалан, компьютернинг “электр таъминоти” бўлинмас бутунлик сифатида қаралиши мумкин бўлган элементдир, чунки “электр таъминоти” (блок питание) мураккаб тузилишга

2023: International Conference on Research Identity,
Value and Ethics (USA)

<https://conferenceseries.info/index.php/ICRIVE/issue/view/13>

эга ва ўзи кўп қисмлардан иборат. Бу элемент компьютерни тизим деб қарасак, кам аҳамиятга эга.

Структура – тизим элементлари ўртасидаги барқарор муносабатларни ташкил этувчи, унсурларнинг вақтинча жойлашиши, ўзаро таъсирини акс эттирувчи воқелик. Структура унсурлар тўпламини тизимга айлантирадиган, улар орасидаги боғланишнинг тузилиши, тури, конфигурациясидан иборат.

Функция – объект хусусиятларининг юзага чиқиши, объектнинг атроф-муҳит билан муносабатга киришиш усули. Кўпинча, функция ҳаракат билан ифодаланади, яъни ҳаракат сифатида юзага чиқади ҳамда тизим имкониятларини акс эттиради. Функциялар орасида тизимни шакллантирувчи асосий функция ажратилади.

Тизим унсурларини уларни ташкил этувчи “тизимости” қисмидан фарқлаш лозим. Тизимости ва унсурларнинг асосий фарқи уларнинг функциясида. Баъзан бир тизимости бир унсурдан ташкил топади, айни пайтда, ўша битта унсур бир неча тизимостиларига мансуб бўлади. Демак, тизимости (ички тизим) – тизим унсурларига нисбатан умумий ва маълумот ташувчи бирлик. Бу уларнинг номланишида ҳам акс этади. Ички тизим номи одатда, *блок, система, ускуна* каби умумий номлар ва уларни аниқлаб келувчи сўзлар билан аталади. Масалан, электр таъминоти блоки, бошқарув тизими, ювиш мосламаси каби.

Тизим унсурлари эса, конкрет ном (термин) билан аталади. Агар тасодифан умумий ном билан аталса, демак, бу ҳам ички тизим, ҳам унсур бўлиб хизмат қиласди.

Тизимнинг умумийлиги тизим сифатида қараладиган объектлар комплекси умумий / муштарак хусусият, функция, феъл-авторга эгалигини билдиради. Тизим хусусияти унга кирувчи унсурларнинг йиғиндисига тенг эмас.

Тизимнинг бўлинини исталган объектнинг унсурлардан иборатлигини исботловчи ҳодисадир. Барча объектларни З нарса йиғиндиси: бутунлик (система), тизимдан каттароқ бутунлик (система усти бирлик) ҳамда ички тизимлар йиғиндисидан иборат деб қарашни тақозо этади.

Ажратиши амали ҳам таснифлашда асосий аҳамиятга эга. Бу амал орқали таснифлашнинг тушунарли ва табиий амалиётини бажариш мумкин. У ҳар бир ички тизимнинг асосий эканлиги билан изоҳланади. Нисбатан аҳамиятли атрибут сифатида ўзининг таркибидаги функциялар муносабатини ташкил қилиши кўринади. Шу сабабли тизимда ажратиш амалини бажаришдан олдин унинг унсурлари функцияларини аниқлаш талааб этилади.

Бирлаштириши мантиқий оператори. Тизим усти синтези амалга ошириши билан ажралиб туради.

Инсоният фаолиятининг қарийб ҳамма соҳаларида классификатордан фойдаланилади. Кутубхона тизими классификацияси (Система библиотечные классификации), билим соҳалари классификацияси, интеллектуал мулк обьектлари классификацияси, ишлаб чиқариш предметлари классификацияси, лавозим ва вазифалар, норматив актлар, кимёвий боғланишлар, ҳайвонлар классификацияси каби кўплаб таснифлар бор. Мазкур таснифларнинг умумийлиги нимада? Уларнинг қарийб барчаси стихияли ҳолатда содир бўлган жараёнлар тавсифидан пайдо бўлган. Классификатор – доимий ривожланишда бўлган тизим, кўпинча улар мантиқий бўлинини операторига амал қилмайдиган оддий инсонлар томонидан ишлаб чиқилади. Натижада, айрим ҳолларда, хато ячейкалардан тузилган классификаторлар юзага келиб қолади.